

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОЙМИРЗАЕВ КАРИМЖОН МИРЗАХМЕДОВИЧ**

**ФАРҒОНА БОТИҒИ ВОҲАЛАРИДАГИ АГРОИРРИГАЦИОН  
ЎТҚИЗИҚЛАРНИНГ МУЛЬТИФУНКЦИОНАЛ ЛАНДШАФТ  
ТАҲЛИЛИ**

**11.00.01 - Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2020**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович**

Фарғона ботиғи воҳаларидаги агроирригацион ётқизикларнинг

мультифункционал ландшафт таҳлили..... 3

**Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович**

Мультифункционально ландшафтний анализ агроирригационных

наносов в оазисах Ферганской котловины ..... 27

**Boymirzayev Karimjon Mirzaxmedovich**

Multifunctional landscape analysis of agroirrigation sediments in the oasis

of the Fergana trench..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОЙМИРЗАЕВ КАРИМЖОН МИРЗАХМЕДОВИЧ**

**ФАРҒОНА БОТИҒИ ВОҲАЛАРИДАГИ АГРОИРРИГАЦИОН  
ЎТҚИЗИҚЛАРНИНГ МУЛЬТИФУНКЦИОНАЛ ЛАНДШАФТ  
ТАҲЛИЛИ**

**11.00.01 - Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Gr26 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Аббасов Субхон Бурхонович**  
география фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Нигматов Асқар Нигматуллаевич**  
география фанлари доктори, профессор

**Эгамбердиев Ҳамрокул Турсунқулович**  
география фанлари доктори

**Ҳайитов Ёзил Қосимович**  
география фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 19 декабрь соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: [ik-geografiya2018@mail.ru](mailto:ik-geografiya2018@mail.ru)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 77 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-40

Диссертация автореферати 2020 йил “7” 12 куни тарқатилди.  
(2020 йил “7” 12 даги 10 рақамли реестр баённомаси)



**В.А.Рафиқов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, г.ф.д.

**Б.А.Мелиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, география фанлари бўйича (PhD)

**А.Раҳматуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д, (DSc)

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда “Инсон-табиат” ўртасида муносабатлар натижасида вужудга келаётган турли табиий ва антропоген жарёнларга доир тадқиқотларга катта эътибор бериб келинмоқда. Бундай ўзгаришларга суғориладиган ерларнинг техноген бузилишини, чўллар майдонини ўзгаришини, тупроқ деградациясини, тупроқ ва экин ерларининг мелиоратив ҳолатини ёмонлашишини, эрозион жараёнларни кучайиб боришини, тупроқ ва ўсимлик деградациясини, дефляция каби салбий табиий географик жараёнлар тезлашиши кузатилмоқда. Жумладан, БМТнинг «2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастури»да «қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонлардан рационал фойдаланиш ва бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш» каби вазифалар белгилаб берилган<sup>1</sup>. Мазкур вазифалар айниқса, табиий намлик етишмайдиган, арид иқлимли ҳудудларда ландшафтларнинг табиий ресурс салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини, жумладан, деҳқончилик турларини ривожлантириш, турли хўжалик тадбирларини амалга оширишда функционал-динамик, структуравий-динамик, парагенетик ва парадинамик алоқадорлик тамойиллари асосида кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Дунёда ерлардан хўжаликнинг турли мақсадларида фойдаланишда, қишлоқ хўжалиги юритишда ва ландшафтларда мелиоратив тадбирларни олиб бориш, ландшафтларни горизонтал ва вертикал табақаланишини ва уларнинг структурасини функционал-динамик бир бутунлигидан фойдаланиб ҳудудларни турли хўжалик мақсадларида тадқиқ этиш воҳаларидаги агроирригацион ётқизикларнинг мультифункционал ландшафт таҳлилини амалга ошириш, тизимли баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ёйилма ландшафтларни микроzonалаштириш асосида экинларни жойлаштириш схемасини такомиллаштиришни илмий асосда ҳал этиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Воҳа ландшафтларига турли омилларнинг таъсири, воҳаларда агроирригацион ётқизикларни вужудга келиши ва шаклланиш қонуниятларини аниқлаш, ёйилма ландшафтларнинг шаклланиши, тарқалиши ва барқарор ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, йирик ва кичик ёйилмаларда ҳосил бўлган воҳа ландшафтлари ва уларнинг тадрижий ўзгариши, тоғоралиғи ботиқларини табиий географик районлаштириш масалалари: районлаштиришнинг замонавий методларини такомиллаштириш, шунингдек, агроирригацион ётқизиклардан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш, воҳа ландшафтларида антропоген омил таъсирида содир бўлаётган ўзгаришлар ва геоэкологик муаммолар, вужудга келган геоэкологик вазиятларни оптималлаштиришнинг географик асослари яратишга устувор аҳамият берилмоқда.

<sup>1</sup> БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастури. // [www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru](http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru)

Республикамизда қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ҳар бир жойнинг табиий шароитини ҳисобга олиб қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш каби масалалар долзарб вазифалардан ҳисобланади. Суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини интенсив ошириш, жаҳон бозорига юқори сифатли, экологик жиҳатдан соф рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, антропоген ландшафтлар ва уларнинг таркибий қисми ҳисобланган воҳа ландшафтларини тадқиқ этиш, морфологик бирликларини ажратиш, чегаралаш, таснифлаш ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳалари учун карталаштириш, агроирригацион ётқизикларнинг қалинлашиб бориш тенденцияси, ётқизикларнинг геохимёвий таркибини таҳлил қилиш, улардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Фарғона ботиғи воҳа ландшафтларида суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг кўламли ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш, воҳа ландшафтларининг функционал-динамик боғлиқликда тадқиқ этиш, уларни районлаштириш, геоэкологик ҳолатини аниқлаш ва уларни оптималлаштириш, турли мақсадларда фойдаланиш учун карталаштиришга доир мақсадли тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь, ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер ҳақидаги

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

фанлар”, V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>3</sup>. Ёйилма ландшафтлар, агроирригацион ётқизиқлар ва уларнинг қалинлашиб бориш тенденцияси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитнинг ифлосланишини, воҳаларни экологик вазиятни оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: АКШда (George Washington University, Carolina, North Carolina, UNC), Буюк Британияда (Covernty University, University of Portsmmouth, Oxford University), Германияда (Westfalischen Wilhelms- Universitat Munster), Хитойда (Beijing Normal University), Канадада (University of Alberta), Швецияда (Lund University), Австралияда (Monash University, University of Technology Sydney), Россияда (Москва давлат университети, Воронеж давлат университети), Қозоғистонда (Алмати давлат университети, Қозоқ-Турк университети) олиб борилмоқда.

Дарё ёйилмаларидаги воҳа ландшафтлари ва суғориш натижасида агроирригацион ётқизиқларнинг вужудга келиши ҳамда қалинлашиб боришига оид хорижий мамлакатларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: воҳа ландшафтлари структурасини сақлаш, воҳалардаги мавжуд агроирригацион ётқизиқлардан оқилона фойдаланиш ва уларни оптималлаштириш бўйича тизимли ёндашувлар ишлаб чиқилган (Environmental protection Research Institute, Швеция); йирик инфраструктурали лойиҳалар ва стратегик экологик тадқиқотлар базасига асосан воҳалар табиатидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг методик асоси такомиллаштирилган (Regional and ecological development institute, Лейбниц; Institute of Enviromental, Мюнхен, Германия); агроирригацион ётқизиқларнинг вужудга келишида глобал ва регионал табиий ҳамда антропоген омилларнинг таъсири, уларнинг даврийлиги, ривожланишининг ландшафтлар компонентларига ва барқарорлигига таъсир кўлами баҳоланган (Institute of Geographical Sciences, Пекин, Хитой); ёйилмалар табиий муҳитининг глобал ва регионал ўзгаришини мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилган (Institute of Geography, Буюк Британия); тупроқлар ва абиотик омилларнинг ифлосланиши ва деградациясига боғлиқ ҳолда атроф-муҳитга келтирилган зарарларни баҳолаш йўл-йўриқлари такомиллаштирилган (Москва давлат университети, Россия, Алмати давлат университети, Қозоқ-Турк университети, Қозоғистон).

Жаҳонда суғорилиб дехқончилик қилиб келинадиган ерларга инсон фаолиятининг таъсирини аниқлашга оид бир қатор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, ер шарида ландшафтларнинг антропоген модификацияланиши, ландшафтларнинг янги

---

<sup>3</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ined.fr>, <https://www.edu>, <https://eh.net/encyclopedia/article> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

модификацияларини вужудга келиши; антропоген таъсир даражасини мониторинг қилиш ва экологик назорат тизимини ишлаб чиқиш; антропоген таъсир ва глобал ўзгаришларга ландшафтларнинг барқарорлигини баҳолаш; ландшафтларни функционал бир бутун тизим сифатида мультифункционал табақаланишини ўрганишда ГАТ дан фойдаланиш; воҳа геосистемаларининг алоҳида участкаларида ландшафтлар трансформацияланиши, литологик ва тупроқ ҳолатини ўзгаришини баҳолаш; турли мавзули геоэкологик карталарни тузиш; атроф-муҳит ифлосланишини прогнозлаш ва геоэкологик ҳолатни оптималаштиришнинг географик асосларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фарғона ботиғи бўйича комплекс табиий географик тадқиқотлар С.С.Неуструев, Э.М.Мурзаев, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.Абдулқосимов, Н.П.Васильковский, В.Н.Вебер, А.А.Юрьев, В.А.Духовный, В.М.Четыркин, Н.П.Костенко Н.А.Гвоздецкий, Т.В.Звонкова, Б.П.Алисов, А.Мақсудов, Ғ.Юлдашев, В.Исақов, Ю.Султонов, П.Баратов, А.Н.Нигматов, Х.Ваҳобов, Б.А.Камолов, О.Мирзамахмудов, Р.Ҳолиқов, И.Абдуғаниев, С.Б.Аббасов, А.К.Уразбаев, К.М.Боймирзаев, О.И.Абдуғаниев, О.Қўзибоева, А.А.Назаров, Э.А.Солиев ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Шунингдек, геосистемалардаги геоэкологик вазият, унинг инсон саломатлигига таъсири масалалари А.А.Абдулқосимов, А.А.Рафиқов, Л.А.Алибеков, А.Н.Нигматов, Н.И.Сабитова, М.У.Умаров, С.Нишанов, Ҳ.Ваҳобов, А.Мақсудов, С.Б.Аббасов, А.Раҳматуллаев, В.А.Рафиқов, И.Турдимамбетов, Н.Комилова, Қ.Ярашев, М.Назаров, Н.Сабирова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ландшафтларни функционал таҳлилининг тадқиқ этишда хорижий олимлардан С.Conrad, M.Rahmann, M.Machwitz, Starr, S.Frederick, R.P.Morgan, A.S.Kostrowiki, В.А.Николаев, Е.О.Neef, J.Мс-Closkey, А.Michael, V.V.Mihno, I.I.Mamay, А.Н.Каштанов, Ф.Н.Лисицкий, Г.И.Швебс, М.Ш.Ишанкулов, К.N.D'yakonov, К.А.Drozдов, V.N.Bevz ва бошқалар шуғулланишган. Ушбу тадқиқотларда вужудга келган воҳа ландшафтларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланиб, суғорма деҳқончиликнинг кенг кўламли олиб борилиши оқибатида ландшафт компонентларининг ўзгариб бориши ва уларда содир бўлаётган географик, геоэкологик жараёнлар очиб берилган.

Лекин, агроирригацион ётқизиқларнинг қалинлик ўлчови, агроландшафтларнинг маҳсулдорлиги, ётқизиқларнинг механик таркиби, воҳа ландшафтларини ёшини аниқлаш, ёйилма ландшафтларининг мультифункционал ландшафт таҳлили ҳозиргача республикамизда бирор бир воҳа мисолида тадқиқ этилмаган ҳамда уларнинг мавзули карталари яратилмаган. Шу жиҳатдан ушбу диссертация ишида қўйилган вазифалар муаммога мутлақо янгича ёндашув ҳисобланади ва Фарғона ботиғи воҳа ландшафтлари функционал-динамик бир бутун тизим сифатида қаралиб, унинг мультифункционал дифференцияланишини аниқлаш тадқиқотнинг асосий ғояси ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**



Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидаги “Фарғона водийсида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг табиий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик омилларини тадқиқ қилишнинг минтакавий хусусиятлари” мавзусида олиб борилаётган мажмуали илмий ишлар ҳамда университетда бажарилган ИТД -7-29 “Наманган вилояти табиий ресурслари, улардан фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари” мавзуидаги грант лойиҳаси билан бевосита боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Фарғона ботиғи воҳа ландшафтларининг вужудга келиши, ривожланиши ва шаклланиши, шунингдек воҳаларнинг ландшафт-экологик шароитига агроирригацион ётқизикларнинг таъсирини аниқлаш ва уларни экологик жиҳатдан оптималлаштиришнинг илмий ва амалий асосларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** Фарғона ботиғида вужудга келган воҳаларнинг мультифункционал ландшафтлари ва улардаги агроирригацион ётқизиклари ҳақидаги турли илмий, адабий, картографик материаллар ва космик суратларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

воҳалар ва агроирригацион ётқизиклар компонентларидаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва карталари тузишнинг илмий-методик йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш;

воҳаларнинг агроирригацион ётқизикларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни бошқариш;

воҳалар ландшафтларини функционал бир бутунлиги ва уларнинг динамик геотизим сифатида ўрганиш;

ёйилмаларда вужудга келган ландшафт комплексларининг тадрижий ўзгаришини ўрганиш ва воҳа ландшафтлари билан таққослаш;

воҳалардаги агроирригацион ётқизикларининг экологик шароитини оптималлаштириш муаммоларини аниқлаш ва ечимларини ишлаб чиқиш;

ботиқ ҳудудини табиий географик жиҳатдан районлаштириш масалалари кабилардир.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона ботиғи воҳалари танланган. Мазкур воҳаларда шаклланган агроландшафтларнинг суғорилиши натижасида вужудга келган агроирригацион ётқизиклар тарқалган ҳудудлар эса ёрдамчи объект сифатида қаралади.

**Тадқиқотнинг предмети** Фарғона ботиғи воҳаларида агроирригацион ётқизикларининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари, воҳаларда инсон хўжалик фаолияти таъсирида рўй бераётган экологик оқибатлар, ландшафт-экологик шароитни оптималлаштириш масалаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Фарғона ботиғи воҳаларида агроирригацион ётқизикларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари, шунингдек воҳа ландшафтларидаги мавжуд ноҳуш экологик шароитни оптималлаштириш муаммолари ва ечимлари, карталаштириш масалалари юзасидан ҳамда диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда картографик, экспедицион, лаборатория, тизимли ва қиёсий

таҳлил, тадқиқот натижаларига математик-статистик ишлов бериш, тарихий-археологик, олинган маълумотларни графиклар ва жадвалларда тизимлаш ва умумлаштириш каби бир қатор усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Фарғона ботиғидаги мавжуд воҳаларни ўзига хос хусусиятлари ўзаро таққослаш ҳамда математик моделлаштириш усуллари ёрдамида бошқа ҳудудлардан ажралиб турувчи белгилари ва ички тафовутлари очиб берилган;

воҳалар ва улардаги агроирригацион ётқизикларни ривожланиш хусусиятларига кўра геоэкологик шароитининг шаклланиши ва ривожланиши асосланган, агроирригацион ётқизикларини маҳсулдорлигига кўра йирик масшабли карталари яратилган;

воҳалардаги агроирригацион ётқизикларни маҳсулдорлиги ва ривожланиш хусусиятларига кўра табиий географик районлаштириш такомиллаштирилган;

агроирригацион ётқизикларнинг таркиби, хоссалари, қалинлиги, унумдорлиги, ҳосилдорлиги, географик тарқалиши баҳоланган ва антропоген омил таъсирида вужудга келган ландшафт-экологик ҳолатнинг ўзгариб бориши прогнозлаштирилган;

воҳаларда вужудга келган ноҳуш экологик шароитни вужудга келтирувчи омиллар ва манбалар аниқланган ва уларни оптималлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот ишини бажариш давомида амалиётга тавсия этилган илмий хулосалар ва ишлаб чиқилган чора-тадбирлар воҳа ландшафтларини экологик жиҳатдан оптималлаштириш, геоэкологик шароитини яхшилашнинг асосий йўналишлари асосланган;

тузилган карталар воҳа ландшафтларини бошқаришда, воҳа табиатидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини илмий асосда амалга оширишда муҳим омил эканлиги асосланган;

воҳа ва агроирригацион ётқизикларидан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар қишлоқ хўжалик экинларини ландшафт типларига мослаштириб жойлаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, ландшафт-экологик муаммоларни ҳал қилиш каби жараёнлардан фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

агроирригацион ётқизикларнинг қалинлигини карталаштириш йўллари бошқа минтақаларга ҳам тадбиқ этиш имкони борлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Фарғона водийси вилоятларининг (Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари) Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги бошқармаларининг статистик маълумотларидан фойдаланилгани, кўп йиллар давомида тўпланган дала тадқиқот, тажриба-эксперимент, тарихий-археологик, лаборатория маълумотлари асосида яратилган карталар, назарий

ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти воҳа ва ёйилма ландшафтларининг функционал-динамик алоқадорлиги ва таъсир этиш механизмини аниқлаш, воҳалар ва агроирригацион ётқизик компонентларидаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва карталари тузишнинг илмий-методик йўл-йўриқларини ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларнинг районлаштириш, микроронал дифференциацияланишини аниқлаш методикасининг такомиллаштирилганлиги, қишлоқ хўжалик экин турларини оптимал жойлаштириш, тупроқлар шўрланишининг олдини олиш, геоэкологик вазиятни оптималлаштириш механизмларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - Фарғона ботиғида вужудга келган воҳаларнинг мультифункционал ландшафтлари ва улардаги агроирригацион ётқизиклари тарқалишига доир маълумотлар, воҳаларнинг агроирригацион ётқизикларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, воҳалар ландшафтларини функционал бир бутунлиги ва уларнинг динамик геотизим сифатида ўрганишга доир маълумотлари, ландшафт комплексларининг тадрижий ўзгаришини ўрганиш ва воҳа ландшафтлари билан таққослаш, ботиқ худудини табиий географик жиҳатдан районлаштириш масалалари, воҳа ландшафтларини экологик жиҳатдан оптималлаштириш, геоэкологик шароитини яхшилашнинг асосий йўналишларини аниқлашга имкон беради, яратилган карталар эса воҳа ландшафтларини бошқаришда, воҳа табиатидан оқилона фойдаланишни илмий асосда амалга ошириш йўлларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона ботиғи воҳаларидаги агроирригацион ётқизикларнинг мультифункционал ландшафт таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фарғона ботиғининг асосланган ва таҳлил қилинган улкан имкониятлари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларни мониторинги таҳлилларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 02/022-2-3640-сон маълумотномаси). Натижада, минтақа ва маҳаллий худудларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини аниқлаш имкони ортган;

агроирригацион ётқизиклар билан қопланган воҳаларда қишлоқ хўжалик экинларини ландшафт типларига мослаштириб жойлаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 02/022-2-3640-сон маълумотномаси).

Натижада, қишлоқ хўжалик экинларни ҳосилдорлигини ошириш имконини берган;

озуқа элементларини ўзида яхши тутиб турувчи тупроқнинг сингдирувчи комплексидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш чора-тадбирларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида қишлоқ хўжалик ерларининг баҳолашда (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 02/022-2-3640-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада, қишлоқ хўжалиги ерларини комплекс баҳолаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

агроирригацион ётқизиқлар тарқалиши, қалинлигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини ландшафт типларига мослаштириб жойлаштиришга доир ишлаб чиқилган воҳа ландшафтлари классификациясидан экин турларини жойлаштириш схемаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида экинларни жойлаштириш схемасини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 02/022-2-3640-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалик экинларни жойлаштириш схемасини такомиллаштириш имконини берган;

воҳа ландшафтларининг аниқланган маданийлашганлик даражасидан экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар етиштиришда фойдаланилган Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2020 йил 4 ноябрдаги 04-02/3-762-сон маълумотномаси). Натижада экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш механизмини такомиллаштиришга имкон берган;

аниқланган плиталар тўқнашуви натижасида юзага келган тоғ ҳосил бўлиш жараёни ҳосилаларидан (адир, антицедент водийлар, адирларни дарё ва сойлар кесиб ўтган жойлари) туризм объектлари сифатида фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитасининг 2020 йил 10 ноябрдаги 02-16/5301-сон маълумотномаси). Натижада бундай ҳудудларда туризм тармоқларини ривожлантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 40 дан ортиқ республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 110 та илмий мақола эълон қилинган. Шундан, 3 та монография, 1 таси нуфузли хорижий илмий журналларда, 9 таси ОАК рўйхатидаги республика илмий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқ этиш методологияси ва методлари, илмий янгилиги, амалий натижалари, ҳимояга олиб чиқилган ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ёритиб берилган.

**Биринчи боб** воҳалар ва агроирригацион ётқизиклари, ландшафтларнинг антропоген модификацияланиши ва воҳаларнинг тадқиқ этишнинг илмий-назарий масалалари ҳамда уларни вужудга келтирувчи омилларнинг ўрганилиш тарихи кабиларга бағишланган бўлиб, асосий эътибор воҳа ландшафтлари ва унинг таркибий қисми ҳисобланган агроирригацион ётқизиклар таъсирида вужудга келган ландшафтларга қаратилган. Ушбу бобда антропоген ландшафтлар ва воҳаларнинг агроирригацион ётқизикларининг тадқиқ этишнинг назарий масалалари ҳамда усуллари, воҳа ландшафтларининг функционал бир бутунлиги ва уларнинг динамик геотизим сифатида ўрганилиши, воҳалар ва агроирригацион ётқизикларининг таркиби тўғрисидаги тасаввурлар берилган.

Фарғона водийсидаги воҳа ландшафтларини Ўрта Осиёнинг бошқа воҳалари каби географик жойлашишига, генетик, рельеф ва тупроқ қоплами каби бир қатор хусусиятларига кўра тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Аллювиал текисликларда жойлашган воҳа ландшафтлари;
2. Қуруқ дельталарда ҳосил бўлган воҳа ландшафтлари;
3. Тоғолди текисликларидаги воҳа ландшафтлари.
4. Адирорти текисликларидаги воҳа ландшафтлари

Аллювиал текисликларда жойлашган воҳа ландшафтлари Норин, Қорадарё, Сирдарё водийларининг аллювиал текисликларида қадимдан суғорилиб келинаётган ва янги ўзлаштирилган ҳудудларни эгаллаган. Норин ва Қорадарё водийсидаги воҳаларни шўрланмаган тўқ тусли ўтлоқ-аллювиал тупроқлари суғориш таъсирида кучли ўзгаришга учраган. Ботқоқлашган, сульфат тузлари ҳосил қилган шўр ерлар ўрнида юқори даражада маданийлашган тупроқлар вужудга келган. Норин ва Қорадарё водийларидаги воҳа тупроқларига нисбатан Сирдарё водийсида таркиб топган воҳа тупроқлари камроқ маданийлашган. Чиринди миқдори ҳам кам, тупроқлари оч тус рангда, аллювиал ўтлоқ тупроқлар ва хлорид, сульфат тузлари билан кучли шўрланган жойлар учрайди. Уларнинг орасида, айниқса ёйилмаларининг суғориладиган майдонларида шўрланган ерлар тарқалган.

Қуруқ дельталардаги воҳалар (Исфара, Сўх, Исфайрамсой, Шоҳимардон, Оқбўра ва бошқалар) табиий комплексларининг тупроқ қоплами турли туманлиги билан ажралиб туради. Қуруқ дельталарнинг юқори қисмлари шағаллар билан қопланган, тошлоқ шағаллар қолмотаж усули билан суғориш натижасида катта бўлмаган ҳудудларда бўз тупроқлар вужудга келган. Бу воҳаларнинг марказий қисмларида сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган. Воҳа тупроқлари юқори даражада маданийлашган. Аммо ёйилмаларнинг қуйи қисмидаги воҳаларда шўрлашган ўтлоқ тупроқлар ва иккиламчи шўрхоқлар мавжуд.

Тоғолди текисликларида вужудга келган воҳаларда лёссимон жинслар устида вужудга келган, қадимдан суғорилиб келинаётган бўз тупроқлар тарқалган. Бу тупроқлар унумдор бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори даражада ҳосил олиш мумкин. Бундай тупроқларни Қўқон, Асака, Наманган, Андижон каби бир қатор воҳаларда учратиш мумкин.

Адирорти текисликларидаги воҳа ландшафтлари Чуст, Поп, Хўжанд, Конибодом воҳаларида катта майдонларни суғориладиган агроландшафтлар эгаллаган. Агроирригацион ётқизикларнинг қалинлашиб бориши суғориладиган агроландшафтлар ва уларнинг агрокомпонентларини маданийлашиш даражасини белгилаб беради.

Ўрта Осиё воҳа ландшафтларини комплекс тадқиқ этиш, уларни морфологик таркибини аниқлаш, ажратиш, чегаралаш, таснифлаш, карталарга тушириш каби ишлар А.А.Абдулқосимов (1977, 1989, 2001, 2010, 2017) томонидан амалга оширилган. Муаллиф воҳа ландшафтларини зонал ва вертикал дифференцияланиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда уларга тавсиф берган. Воҳа ландшафтларини қайси рельеф типига вужудга келганлигини ҳисобга олиб, уларнинг бир неча типларини ажратган: тоғолди текислигидаги воҳалар, тоғ оралиғи ботикларидаги воҳалар, дарё қайирларидаги воҳалар, қадимги ва ҳозирги дельталардаги воҳалар, қумли чўллардаги воҳалар ва бошқалар. Бундан ташқари А.А.Абдулқосимов (1989), Ўрта Осиё воҳа ландшафтларининг ареалларини майда масштабда картасини, Андижон, Фарғона, Қўқон, Самарқанд, Каттақўрғон ва Денов воҳаларининг йирик масштабда ландшафт типологик карталарини тузган, муаллиф Ўрта Осиё воҳа ландшафтларини шаклланиш тарихини тарихий-археологик услубда тадқиқ этиб, уларнинг асосий шаклланиш марказларини ҳам аниқлаган.

Тадқиқотчи (К.Боймирзаев, 1995, 2007, 2014, 2019) воҳа ландшафтларини ўрганиш билангина шуғулланиб қолмасдан, балки воҳаларда минг йиллар давомида суғорилиб деҳқончилик қилиш натижасида вужудга келган агроирригацион ётқизикларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг хусусиятлари, ландшафт комплексларининг шаклланишидаги ўрни, хилма-хил таркибларга эга эканлигини, шу билан бирга деҳқончиликни ривожлантиришдаги ва ҳосилдорликни оширишдаги ролини тадқиқ этиш билан ҳам шуғулланди.

Воҳаларда кўп асрлардан буён интенсив деҳқончилик қилиб келиниши натижасида табиий тупроқ ва ўсимлик қоплами ўрнини воҳа маданий тупроқ,

ўсимликлари эгаллаган. Узоқ вақт суғориладиган тупроқ таркибида лойқа жинслар, агроирригацион ётқизиклар қалинлашиб бораверади. Тупроқда инсон хўжалик фаолиятининг давомийлиги қанчалик узоқ давом этган бўлса, агроирригацион ётқизикларнинг қалинлиги ҳам шунчалик ортиб боради. Ўрта Осиё шароитида обикор деҳқончилик қилиниши натижасида бир йилда ўрта ҳисобда 0,5-1,0 мм қалинликда (Орлов, 1934) агроирригацион ётқизиклар тўпланганлиги аниқланган. Демак, сурункасига минг йиллар давомида деҳқончилик қилинган тупроқларда бир метр қалинликда агроирригацион ётқизиклар ҳосил бўлади. Жуда қадимдан суғорилиб деҳқончилик қилинаётган воҳаларда, масалан, Зарафшон воҳасида 3 метр, Туркменистоннинг жануби-ғарбида жойлашган Мессериан воҳасида 4 метрга яқин агроирригацион ётқизиклар ҳосил бўлганлиги аниқланди. Табиий равишда тарқалган бу хилдаги тупроқларни Фарғона ботиғидаги кўплаб ҳудудларда ҳам учратиш мумкин.


Агроирригацион ётқизикларнинг ўрганилганда бу ҳолат ҳамма жойда ҳар-хил эканлиги аниқланди. Қалин агроирригацион ётқизикли тупроқларнинг Тажан ва Мурғоб дарё ёйилмалари, Хоразм ва Зарафшон ҳавзасида ва Хоразм пасттекислигида тарқалиши бу ерда обикор деҳқончилик қадимдан мавжудлигидан дарак беради. Мазкур ҳудудларда инсон фаолияти таъсирида яратилган агроирригацион қатламнинг қалинлиги 2-3 метрга етади.

Узоқ йиллар давомида “Фарғона ботиғида агроирригацион ётқизикларнинг қалинлиги 1,5 метрдан ортмайди” деган хато хулосалар мавжуд бўлиб, шунга кўра водийда суғориш тарихи қисқа ёки агроирригацион ётқизиклар тўпланиши учун шароит бўлмаган деган фикрлар пайдо бўлган эди.

Агроирригацион ётқизикларнинг қалинлиги юқорида таъкидлаб ўтилганидек, деҳқончилик тарихига, суғориладиган сувларнинг лойқалик даражасига, ерларнинг гипсометрик (қиялиги) ҳолатига ва ўғитлаш ҳамда суғориш техникасига боғлиқ. Обикор деҳқончилик тарихи қанчалик узоқ муддатни ўз ичига олган бўлса, агроирригацион ётқизиклар ҳам қалин бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Фарғона ботиғининг агроирригацион ётқизиклар қалинлигини ифодаловчи картасини тузишга муваффақ бўлинди (1-расм). Бу картани тузишда Фарғона ботиғидаги агроирригацион ётқизикларнинг мураккаблиги ҳисобга олинган ҳолда илгари қабул қилинган қалинлик кўрсаткичлари ўрнига куйидаги янги градациялар (А.Мақсудов, К.Боймирзаев, 1995) қўлланилди ва:

- суғориладиган тупроқларнинг қалинлиги жуда юпқа бўлган (30 см) агроирригацион ётқизиклар;
- воҳаларда тарқалган юпқа агроирригацион ётқизиклар (қалинлиги 30-50 см) юпқа;
- ўртача қалинликда тарқалган (50-100 см) агроирригацион ётқизиклар;
- қалин (100-200 см) агроирригацион ётқизиклар;



**1-расм. Фарғона боғиғи агроирригацион ётқизиқларининг қалинлиғи карта-схемаси**



➤ жуда қалин (қалинлиги 200 см дан ортиқ) агроирригация ва улар остида кўмилган ётқизиклар мавжуд бўлган суғориладиган маданий тупроқлар Фарғона ботиғида ҳам кенг тарқалганлиги аниқланди.

Агроирригацион ётқизиклар фақат тупроқ таркибининг яхшиланишидагина эмас, балки деҳқончилик тарихини ўрганишда, табиий ландшафтларнинг ўзгариб бориши ҳамда улар ўрнида маданий ландшафтлар пайдо бўлишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнларнинг барчаси агроландшафтлар маҳсулдорлигига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Агроирригацион ётқизикларни бу хусусиятлари уларни қуйидаги маҳсулдорлик кўрсаткичлари (К.Боймирзаев, 2019) бўйича ажратиш имконини берди:

- агроландшафтлар маҳсулдорлиги қониқарсиз даражада бўлган, агроирригацион ётқизиклар қалинлиги жуда юпқа (0-30см) воҳа ландшафт комплекслари;

- агроландшафтлар маҳсулдорлиги қониқарли даражада бўлган, қалинлиги (30-50 смгача) юпқа агроирригацион ётқизикли воҳа ландшафт комплекслари;

- агроландшафтлар маҳсулдорлиги ўртача даражада бўлган, агроирригацион ётқизиклар ўртача (50-100 см) қалинликдаги воҳа ландшафт комплекслари;

- агроландшафтлар маҳсулдорлиги яхши даражада, қалинлиги 100-200 смгача бўлган агроирригацион ётқизикли воҳа ландшафт комплекслари;

- агроландшафтлар маҳсулдорлиги юқори даражада бўлган, жуда қалин (қалинлиги 200 см. дан ортиқ) агроирригацион қатлам ва улар остида кўмилган ётқизиклари мавжуд бўлган суғориладиган маданий тупроқли воҳа ландшафт комплекслари Фарғона ботиғида ҳам кенг тарқалганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Фарғона ботиғи воҳаларининг агроирригацион ётқизиклари ва уларнинг мультифункционал хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида воҳа ландшафтларининг шаклланишига геологик тузилиш, тектоника ва рельефнинг таъсири, воҳаларнинг агроирригацион ётқизикларни вужудга келиши ва шаклланишида иқлимнинг роли ва оқар сувларнинг таъсири, тупроқнинг аҳамияти, воҳаларнинг органик дунёсидан фойдаланиш ва уларни антропоген тазйиқ остида ўзгаришига оид масалалар ёритилган.

Ўзбекистон худудидаги, жумладан Фарғона ботиғидаги тўртламчи давр ётқизикларини Н.П.Васильковский (1956), Н.А.Когай (1963) ва бошқалар ҳосил бўлиш вақтига, ёшига кўра бир-биридан фарқ қилувчи тўртта комплексга бўлишади. Булар Сўх, Тошкент, Мирзачўл, Сирдарё комплексларидир.


Фарғона ботиғининг геоморфологик тузилиши текисликларга нисбатан анча мураккаброқ. Геоморфологик тузилишининг мураккаблиги шундаки, у қадимги ва ҳозирги замон қайир усти террасаларидан, адиролди пролювиал текисликларидан йирик конуссимон ёйилмалардан, конгломератли ва лёссли

адирлар тизмасидан, адир оралиғи ва адир орти ботиқ текисликларидан ташкил топган.

Воҳаларнинг агроирригацион ётқизиқларни вужудга келиши ва шаклланишида иқлимнинг роли ҳам катта ва муҳим аҳамиятга эга. Фарғона ботиғи иқлим ресурсларига жуда бой бўлиб, ҳамма турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва улардан юқори ҳосил олиш учун қулайдир. Бу ерда  $10^0$  С дан юқори бўлган ўртача суткалик ҳароратнинг йиллик йиғиндиси  $3800-4600^0$  С га тенг. Агрolandшафтлар учун фойда берадиган  $10^0$  С дан юқори бўлган ҳароратнинг йиғиндиси  $2200-2400^0$  С ни ташкил қилади. Бундан ташқари Ўзбекистон иқлими жумладан, Фарғона ботиғи иқлим шароитида кўпчилик маданий экинлардан бир йилда икки марта ҳосил олиш имконини беради.

Фарғона ботиғининг воҳа ландшафтларига, айниқса қишлоқ хўжалик комплексларига шамолнинг таъсири анча катта. Қўқон, Насриддинбек, Наманган ва Учқўрғон метеорологик станцияларнинг маълумотларига кўра ўртача кучли шамоллар бўладиган (15 м/с ва ундан юқори) кунлар сони бир йил давомида 3 кундан 42 кунгача кузатилади.

Фарғона ботиғининг агроиқлим шароити турли-туманлиги учун, қишлоқ хўжалик экинларини экишда уларни турларини танлашда ва маданий ўсимликларни янги турларини районлаштиришда иқлим элементларининг тақсимланишини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир (2-расм). Чунки агрolandшафт комплекслари географик тарқалишида ва ривожланишида табиий комплекслар сингари зонал қонуниятга бўйсинади.



2-расм. Ҳарорат ва ёғинларнинг ўртача йиллик тақсимланиши

Фарғона ботиғи Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига нисбатан ички сув ресурсларига бойлиги билан ажралиб туради. Ички сув манбаининг етарли даражада бўлиши Фарғона ботиғининг тоғ олди проллювиал текисликларини, конуссимон ёйилмаларини, қайир ва қайир усти террасаларини, адир оралиғи ва адирорти текисликларини, Марказий Фарғона чўллларини, ҳатто адирларни кенг кўламда ўзлаштириб

суғориладиган воҳа ландшафтларига айлантиришда ғоят катта имкон беради. Ички сувлар геокомплексларнинг ажралмас, энг муҳим таркибий қисми бўлиш билан бирга, улар табиий ва антропоген ландшафтларнинг шаклланишида ҳамда ривожланишида фаол иштирок этади. Воҳа ландшафтларининг мавжудлиги ва уларнинг функционал ҳолати ҳам ички сув манбаи билан узвий боғлиқдир.


Фарғона ботиғи воҳаларининг қишлоқ хўжалик ландшафт комплексларини суғоришда атрофни ўраб турган тоғ тизмаларидан Сирдарё томон оқиб тушувчи дарё ва сойларнинг ҳам хизмати катта. Водийга шимол томондан оқиб тушувчи дарёлар Подшоотасой, Косонсой, Ғовасой, Резаксой, Чодаксой, Намангансой, Чустсойлар ва жануб томондан оқиб тушувчи дарёлардан Исфайрамсой, Шоҳимардонсой, Сўх, Исфара, Хўжабақирғон ва Оксув кабиларда барпо этилган суғориш иншоотлари мазкур дарёларнинг сув режимини бутунлай ўзгартириб, Фарғона ботиғида ягона сув тизимини ташкил қилади. Фарғона ботиғи дарёларининг сув режимини ўзгартиришда ва сувларни мавсумлараро мақсадга мувофиқ тақсимлашда барпо этилган сув омборларининг ҳам аҳамияти катта.

Фарғона ботиғи худудидаги воҳаларнинг агроирригацион ётқизикларини вужудга келиши ва шаклланишида табиий омиллар, жумладан иқлимнинг роли ва оқар сувлар билан бир қаторда тупроқ ва органик дунёсининг таъсири ҳам бениҳоя катта эканлигини тадқиқот ишида батафсил очиб берилган.

**Учинчи боб “Фарғона ботиғи ёйилма ландшафтлари ва уларнинг тадрижий ўзгариши”** деб номланиб, унда йирик ва майда дарё ёйилмаларида ҳосил бўлган мультифункционал воҳа ландшафт комплексларининг тадрижий ўзгариши ва Фарғона ботиғи дарё ёйилмалари ҳамда ҳавзалари ландшафтларининг инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариб боришининг оқибатлари ёритилган.

Йирик ёйилмалардан бири ҳисобланган Сўх ёйилмасининг умумий қиялиги жанубдан шимолга томон ўзгариб боради, яъни адирлар зонасидан Сирдарё водийси томон пасайиб боради. Масалан, Сўх дарёсининг тоғ олди зонасидан чиқиш жойида ёйилманинг юзаси денгиз сатҳидан 700 м баландликда ётса, энг чекка қисмида, Сирдарёнинг қайир усти террасасига яқин жойда 300 м.гача пасаяди. Ана шу қиялик бўйлаб ёйилмани ҳосил қилувчи аллювиал, проллювиал ётқизикларининг механик таркиби ҳам агроирригацион ётқизикнинг қалинлиги ҳам (3-расм) ўзгариб боради.

Бунинг натижасида ёйилманинг катта қисмида инсон хўжалик фаолияти таъсирида қишлоқ хўжалик ландшафт комплекслари, селитеб ландшафт комплекслари, ирригация (сув хўжалиги) ландшафт комплекслари ва шу билан бирга деградациялашган геокомплекслари вужудга келди. Натижада Сўх ёйилмасида Фарғона ботиғининг энг йирик воҳаларидан бири ҳисобланган Кўқон воҳаси ландшафт комплекслари таркиб топган.



ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

- Агроирригация ётқизикларининг қалинлиги
- Майин заррали (мелкозем) жинслар
- Қумтош ва шағалли ётқизиклар
- Кесма олинган жойлар

**3-расм. Сўх ёйилмасидаги агроирригацион ётқизикларнинг қалинлигини ифодаловчи кесма**


Кичик ёйилмаларни Чортоқсой ёйилмаси мисолида кўриб чиқсак, бу ёйилма Фарғона ботиғининг шимолий қисмида, Норин дарёси билан Намангансой оралиғида жойлашган. Чортоқсой Наманган адир тизмасидан чиққандан кейин адир олди қия текислигида ўзининг унча катта бўлмаган конуссимон ёйилмасини ҳосил қилади. Ёйилманинг жанубий чегараси Сирдарё ва Норин дарёсининг қайир усти террасалари билан туташган.

Кичик ёйилмаларнинг юқори қисмидан қуйи қисмига томон боришда агроирригацион ётқизикларнинг қалинлиги йирик ёйилмаларнинг агроирригацион ётқизиклар қалинлигидан фарқ қилиб, ўзига хос қонуният касб этган. Бу қонуният шундан иборатки, агар йирик ёйилмаларнинг юқори қисмларида агроирригацион ётқизиклар жуда юпқа ва кам бўлса, кичик ёйилмаларнинг юқори қисмида бу ётқизиклар қалин ва жуда қалиндир. Бунинг сабаби шундан иборатки, йирик дарёлар серсув бўлиб, адирлардан чиқаверишда жуда тез оққан ва дағал гранулометрик жинслардан иборат ётқизиклар ҳосил қилган. Кичик дарёлар эса кам сув бўлганлигидан адирлар зонасидан чиқаверишда шағаллар билан бирга майин жинсларни ҳам қолдирган (4-расм).

